



Дилбар ТОЖИБОЕВА
ЎзДЖТУ қошидаги Чет тилларни
ўқитишнинг инновацион
методикаларини ривожлантириш
Республика илмий-амалий маркази
Чет тилларини ўқитишнинг замонавий
методларини жорий қилиш ва халқаро
тажрибани ўрганиш илмий тадқиқот
бўлими бошлиғи

КИЧИК МАКТАБ ЁШДАГИ БОЛАЛАРГА ЧЕТ ТИЛИНИ ЎҚИТИШНИНГ ЎЗИГА ХОС ХУСУСИЯТЛАРИ

Мазкур мақолада кичик мактаб ёшдаги болаларга чет тилини ўқитиш жараёнида уларнинг чет тили коммуникатив малакаларини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари кўриб чиқилади.

В данной статье рассматриваются некоторые аспекты формирования иноязычной коммуникативной компетенции при обучении иностранному языку детей младшего школьного возраста.

This article discusses some aspects of the formation of foreign language communicative competence in teaching a foreign language to children of primary school age.

Замонавий босқичдаги таълим мазмунига бағишенган Ўзбекистон Республикасининг “Кадрларни тайёрлаш миллий дастури”ни амалга ошириш доирасида, мактабгача таълим муассасалари ва бошланғич мактаб таълимини самарали ривожлантиришни амалга ошириш, малакали кадрларни, яъни тарбиячилар ва педагогларни тайёрлаш, бошланғич босқичда таълимнинг психологик ва педагогик методикаларини излаш ҳамда Республика ҳудудида муваффақиятли жорий қилиш, жаҳон ва миллий маданиятни таълим олувчида шакллантиришни таъминлаш, шунингдек, таълим жараёнини замонавий ўқув-методик, дидактик ва информацион материаллар билан таъминлаш мақсадида уларни яратиш ва чоп этиш, қисқа қилиб айтганда, Республиканинг жаҳон ҳамжамиятига янада интеграциялашувига хизмат қиласидан чет тилларни ўқитишнинг комплекс тизими яратилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Чет тилларни ўрганиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ Республикамизда ўсиб келаётган ёш авлодга чет тилларни ўқитиш тизимини такомиллаштириш, бошлангич босқичда чет тилларни ўқитиш жараёнини оптималлаштириш ва чет тилларни таълимнинг барча босқичларида ўқитилиши жамиятимизнинг ҳар бир соҳасида етук ва чет тилини мукаммал эгаллаган мутахассисларни тайёрлашга бўлган эҳтиёж каби муаммоларга ечим бўла олади. Шунингдек, чет тилини мактабгача таълим муассасалари ва бошлангич мактабдан бошлаб самарали ўқитиш бугунги кунда чет тилини ўқитишнинг муҳим йўналишларидан биридир. Чет тилини ўргатишни таълимнинг илк босқичидан бошлаб жорий этиш эса болаларда чет тили коммуникатив компетенцияларини яхшироқ ривожлантиришга хизмат қиласди.

Халқаро тажриба, хусусан, Европа давлатлари тажрибаси таҳлили шуни кўрсатадики, Европа доимо чет тилларни ўқитишни бошлангич босқичдан бошлашга алоҳида этибор қаратган. Чет тилларни бошлангич мактабдан бошлаб ўқитишни йўлга қўйган илк давлатлар — Дания (1958 й.), Швеция (1962 й.), Финляндия (1970 й.) ва Исландиядир (1973 й.). Таълим соҳасида амалга оширилган реформалардан (1980–1990 й.) сўнг бошлангич мактабларда чет тилини ўқитиш мажбурий таъсис этилди. Европа иттифоқига аъзо кўпгина давлатлар тилларни илк босқичда ўқитиш дастурини ишлаб чиқдилар ва йўлга қўйдилар.

Бугунги кунда Европада чет тилларни бошлангич мактабдан бошлаб ўқитиш Республикамиздаги каби оммалашмаган бўлса-да, тил сиёсатининг муҳим йўналиши ҳисобланади. Европа мамлакатларида бошлангич мактаб дастурига чет тили фанини жорий қилишда (5–6 ёшдан 10–11 ёшгacha болалар) ўқитувчилар Европа Иттифоқининг “Language learning for European citizenship” лойиҳаси доирасида ишлаб чиқилган тавсияларга амал қиласдилаr ва натижада эрта ёшда чет тилини ўқитиш бўйича Европа давлатлари кўпгина ютуқларга эришдилар.

Европанинг бир неча давлатларини (Германия, Дания, Швеция) ўқувчиларга эрта ёшда чет тилларни ўргатиш соҳасидаги тажрибасини таҳлил қилиб, қуйидаги муҳим йўналишларни санаб ўтиш мумкин:

1. Чет тилларни ўқитишдан мақсад турли маданият ва қўптилиликни ўзида акс эттирган замонавий жамият ҳаётида болаларнинг ҳар томонлама ва фаол иштирокларини таминлаш учун улардаги тил компетенцияларини ривожлантириш.

2. Болалар чет тилини ўрганишни 9 ёшдан бошлайдилар ва чет тилини ўқитиши жараёни, унинг мазмунни ва технологияси бошланғич мактаб ўкув режасига киритилган ва чет тилини ўқитиши юқори малакали, катта тажрибага эга ўқитувчилар томонидан амалга оширилади.

3. Чет тилини ўргатишдан умумий мақсад — ўқувчиларда маданиятлараро мулоқот қилиш қобилиятини шакллантиришга қаратилган бўлса, чет тилини бошланғич мактабдан ўргатиш уларда шу қобилиятни келгусида шакллантириш учун мустаҳкам асос бўлиб хизмат қиласди.

4. Ўрта мактабда чет тилини ўқитиши дастури ўқувчилар бошланғич синфларда эгаллаган билимларига мувофиқ ишлаб чиқилиши керак.

5. Ўкув жараёнининг самарадорлигини ошириш учун турли воситалардан, жумладан, кичик ёшдаги ўқувчиларнинг ўзига хос хусусиятлари ва эхтиёжларини инобатга оладиган дидактик метод ва усуллардан фойдаланиш зарур.

6. Чет тили фани бўйича ўкув дастур ва ўкув режаларда мавжуд камчиликларни аниқлаш ва уларнинг янги турларини яратиш мақсадида ўкув дастур ва режалар батафсил таҳлил қилиниши керак.

7. Чет тили ўқитувчилари бошланғич таълим педагогикаси ва чет тилини ўқитиши методикасига оид чукур билимга эга бўлишлари ва ўз малакаларини коллежлар ёки университетларда оишириб боришлари лозим.

Европа Иттифоқи доирасида кичик ёшдаги болаларнинг чет тилидаги мулоқот компетенциялари даражасига қўйилган талаблар ва дидактик ёндашувларда умумийлик мавжуд. Бу умумийлик чет тилларни ўрганишга ёрдам берадиган замонавий шароитларнинг яратилганлиги, боғча тарбияланувчилари ва кичик мактаб ёшидаги болалар учун кўплаб дарсликлар нашр этилганлиги, шунингдек, чет тилини ахборот-коммуникатив технологиялар ёрдамида ўргатадиган замонавий дастурлардан кенг фойдаланилиши орқали намоён бўлади.

Бошланғич мактабда чет тилини ўқитиши соҳасида Республикализ ва Европа мамлакатлари ўртасида кўплаб умумий жиҳатлар мавжуд. Бу — чет тилини замонавий ёндашувлар асосида ўқитишида ўз аксини топади. 2013-2014 ўкув йилидан бошлаб Республикализнинг барча ҳудудларида чет тилларни ўрганиш жорий қилиниб, умумтаълим мактабларининг 1-синифдан бошлаб чет тилини, хусусан, инглиз тилини оғзаки нутқ ва ўйинлар асосида ўқитиши, 2-синфдан алифбо, ўқиши ва грамматика асосида ўргатиш йўлга қўйилди. Умутаълим мактабларининг 3-синфлари учун чет тили фанининг ўкув-методик мажмуаси синовдан ўтказилмоқда. Бир неча йиллар аввал чет тили фақатгина умумтаълим мактабларининг 5-синифдан ва чет тилини ўқитишига ихтисослаштирилган маҳсус

мактабларда эса 2-синфдан бошлаб ўқитилар эди. Бугунги кунга келиб чет тили барча худудларда мактаб таълимининг илк кунларидан бошлаб ўқитилмоқда.

Бошланғич мактаб таълими, бу — кичик ёшдаги ўқувчиларни ўқитишнинг илк босқичидир. Бу ёшдаги болаларга чет тилини ўқитишида юзага келадиган муаммолар давлатимизда ҳам, хорижий давлатларда ҳам охиригача ҳал этилмаган бўлсада, кўплаб методистлар бу каби муаммоларга катта этибор қаратадилар. Бу даврда чет тилини ўрганиш билан бирга болаларда идрок этиш, хотира ва фикрлаш каби психологик жараёнлар ҳам жадал ривожланиб, такомиллашиб боради. Фақат шундагина кутилаётган натижага эришиш мумкин.

Республикамизнинг чет тилларни ўқитиш бўйича меъёрий ҳужжатларида, чет тилини ўқитишидан мақсад — замонавий педагогик ва ахборот-коммуникация технологияларидан фойдаланиб ўқитишнинг илғор услубларини жорий этиш йўли билан ўсиб келаётган ёш авлодни чет тилларга ўқитиш, шу тилларда эркин сўзлаша оладиган мутахассисларни тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш ҳамда бунинг негизида уларнинг жаҳон цивилизацияси ютуқлари ҳамда дунё ахборот ресурсларидан кенг кўламда фойдаланишлари, халқаро ҳамкорлик ва мулоқотни ривожлантиришлари учун шарт-шароит ва имкониятлар яратишидир. Юқорида айтиб ўтилган мақсадни самарали амалга ошириш негизида чет тилларни кичик мактаб ёшидан бошлаб ўқитиш ётади. Кичик мактаб ёшиданоқ чет тили коммуникатив компетенцияларини шакллантиришнинг мақсадга мувофиқлиги кўпгина тадқиқотчилар томонидан ҳам тасдиқланган (И. Л. Бим, К. Б. Бардина, М. З. Биболетова, А. К. Маркова, Е.И. Негневицкая, D. Katz, W. Apeet B. Widlock ва б.).

Бугунги кунга қадар қичик ёшдаги мактаб ўқувчиларига чет тилини ўқитиш соҳасига оид кўплаб маълумотлар тўпланган психология ва педагогика соҳаларида болаларнинг психологик ва педагогик, психолингвистик ва физиологик хусусиятларини очиб беришга доир қатор тадқиқот ишлари мавжуд.

Чет тилини кичик мактаб ёшидан бошлаб ўқитиш болаларда нафақат умумий нутқ қобилиятини шакллантиради, балки уларнинг келажакда ҳеч қандай тўсикларга учрамай чет тилда мулоқотга кириша олишлари учун пойдевор бўлиб хизмат қиласди. Лекин кўпгина ота-оналарнинг фикрича, чет тилини чукур ўрганиш ўрта мактаб давридан, яъни ўқувчилар матнларни мустақил ўқиш ва таржима қилиш, уларни айтиб бериш ва мавзуларни ўрганишни бошлаган даврдан бошланади. Бошланғич мактабда эса чет тилини кўпроқ ўйинлар, эртаклар, қизиқарли ҳикоялар, мультфильмлар ва расмлар орқали ўқитишга этибор

қаратилади, бу эса ўз навбатида дарс жараёнини эмас кўпроқ вақтиоғликни эслатади.

Психологлар томонидан янги тилни ўрганиш жараёнига ўйинлар орқали ўтиш самарали усул эканлиги исботланган. Ўйинлар бир вақтнинг ўзида ўқувчилар учун нутқ ғаолиятининг барча турларини ривожлантиришга хизмат қиласиган қизиқарли фаолият тури ва ўқитувчилар учун эса чет тилини ўқитиш воситаси сифатида намоён бўлади. Ўйинлар боланинг ривожланиш жараёнида кўплаб вазифаларни бажаради, жумладан ўқув жараёнини енгиллаштиради, йилдан-йилга кенгайиб бораётган ўқув материалларини ўзлаштиришни осонлаштиради ва бевосита барча керакли компетенцияларни ривожлантиради. Болага ҳар қандай вазиятда ҳам жамоада ишлашни ва бошқа инсонлар билан муносабат ўрната олишни ўргатади. Мусобақа кўринишидаги вазифаларда эса болалар орасида конфликт юзага келади, лекин бу каби вазиятлар болаларга муаммони ўзи ҳал эта олиши тажрибасини ўргатади. Ўйинлар ёзма ва оғзаки нутқни ривожлантиришда қўл келади.

Шунингдек, ролли ва коммуникатив ўйинларда кўпроқ ҳамкорликда ва шериклиқда ишлаш шартлари кузатилади, бу эса ўз навбатида, ижтимоийлашув жараёнини осонлаштиради. Ўйинларнинг вазифалари бир вақтнинг ўзида болаларда ёзма ва оғзаки мулоқотни шакиллантиради, уларда чет тилини ўрганишни давом эттиришга бўлган қизиқишни уйғотишга ёрдам беради. Ўйинлар болаларда олдига қўйилган вазифани мустақил ечиш, ўз ишини ўзи ташкил этиш, атрофдагиларга ва ўзига баҳо бериш, солиштира олиш, фарқлай олиш, асосий ва иккинчи даражали ахборотларни саралай олиш ва қўшимча маълумотлардан фойдалана олиш каби кўникмаларни ривожлантиришда мухим аҳамият касб этади.

Чет тилини ўйин тарзида ўқитиш методикаси кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларнинг чет тили дарси жараёнидаги фаолиятини жадаллаштирувчи (активлаштиради) омил ҳисобланади ҳамда замонавий ўқитувчиларга эрта ёшда чет тилини ўқитишда юзага келадиган муаммоларга янгича ёндашиш имконини беради. Тадқиқотлар шуни кўрсатадики, айнан кичик мактаб ёшидаги ўқувчиларга чет тили дарсларида дидактик ўйинлардан фойдаланиш анъанавий услугдаги дарс шаклини нафақат завқли жараёнга айлантиради, балки дарс жараёнини тўлдиради ва 6–8 ёшдаги болаларга мос қизиқарли машғулотлар билан бойитади.

Бугунги кунда тилнинг коммуникатив вазифаларини ва ранг-баранглигини очиб беришга шароит яратадиган оғзаки нутқни ўргатиш чет тилини ўқитишдаги мухим муаммолардан биридир. Ўқувчиларни оғзаки мулоқотга жалб этишда дарс

жараёнини турли дидактик ва коммуникатив ўйинлар билан бойитиш юқорида келтирилган муаммоларни ечишда самарали натижа беради.

Кичик мактаб ёшидаги болаларга чет тилини ўқитиши ўқитувчидан ижодий ёндашувни талаб қиласи. Жамиятда кичик ёшдаги болаларга чет тилини ўргатишига бўлган талабнинг ўсаётганлиги, ўқитувчиларнинг ҳам чет тилини эрта ўқитишининг махсус методлари, бошланғич мактабдаги дарс жараёнини ташкиллаштириш технологиялари, дарсни тўғри бошқариш ва уни режалаштириш каби билим ва кўникмаларга эга бўлишлари талаб этилади. Бу борада ўқитувчининг муҳим вазифаларидан яна бири болаларни улар ўрганаётган тилга мансуб давлатнинг маданияти билан яқиндан таништириш ва миллий маданиятимиз билан қиёслаш, бу орқали болаларда умуминсоний ҳис-туйғуларни шакиллантиришдан иборат.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Пенфильд В., Робертс Л. Речь и мозговые механизмы. — Л.: Медицина, 1964.
2. Артемов В. А. Психология обучения иностранному языку. — М.: Педагогика, 1969.
3. Бим И. Л. Некоторые актуальные проблемы современного обучения иностранным языкам. — ЯИШ. 2001, № 4.
4. Вятютнев М.Н. Обучение иностранному языку в начальной школе. // Иностранный язык в школе, 1990. № 6.
5. Гальскова Н. Д. Об итогах второго года экспериментального обучения иностранным языкам в начальной школе. // Иностранный язык в школе, 1990. № 1.
6. Гальскова Н. Д., Никитенко З. И. Процесс обучения иностранным языкам в начальной школе. // Иностранная литература в школе, 1994. № 1.
7. Дианова Е. М., Костина Л. Т. Ролевая игра в обучении иностранному языку // Иностранные языки в школе. — 1988. № 3. — С. 12–16
8. Димент Л. Г. Организация игр на уроке // Иностранные языки в школе. — 1987. № 3.
9. Колесникова О. А. Ролевые игры в обучении иностранным языкам // Иностранные языки в школе. — 1989. № 4. — С. 38–42.
10. Пассов Е. И. Коммуникативный метод обучения иноязычному говорению. — М.: Просвещение, 1985.
11. Соловова Е. Н. Методика обучения иностранным языкам: Базовый курс лекций: Пособие для студентов пед. вузов и учителей. — М.: Просвещение, 2002.